

«Наврўз деҳқон бозори» АЖ Кузатув Кенгашининг  
мажлис баёни

2024 йил 26 ноябр

Тошкент ш.

**Мажлисда катнашган Кенгаш аъзолари:**

**Кенгаш раиси**

К.Расулов - “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК  
бош директори ўринбосари

**Кенгаш аъзолари:**

А.Раззақов – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бош директори

А.А.Акрамов – “Муниципал активларни бошқариш маркази”  
ДУК етакчи мутахассиси

Т.Иброхимов– “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бўлим бошлиғи

Т.Камолов– Акциядор

*Мажлисда жами 5 кузатув кенгаши аъзолари (100%) қатнашмоқда, мажлис ўтказилиши ҳуқуқига эга.*

**Таклиф этилганлар:**

О.Машарипов- Жамият директори

Х.Олимов - Жамият бош ҳисобчиси.

Д.Шоназаров- Жамият кимматли коғозлар мутахассиси.

**Мажлис кун тартиби:**

1. «Наврўз деҳқон бозори» АЖ директорининг 2024 йил 3-чорак якуни бўйича «Бизнес режа» кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи
2. Жамиятнинг 2025 йилга режалаштирган “Бизнес режа” сени куриб чиқиши.

**Мажлисни Кенгаш раиси К.Расулов олиб борди.**

**Мажлисга :**

«Наврўз деҳқон бозори» АЖ директори О.Машарипов; Жамият бош ҳисобчиси Х.Олимов; Жамият кимматли коғозлар мутахассиси Д.Шоназаровлар таклиф этилди.

Мажлис кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича «Наврўз деҳқон бозори» АЖ директори О.Машариповнинг 2024 йил 3-чорак якуни бўйича «Бизнес режа» кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Жумладан: жамият йилнинг ҳисобот чорагида сметанинг жами даромад 3 550 548 минг сўм этиб бажарилди, жумладан жой ҳаққи 1 291 161 минг сўм, жами пуллик хизматлар 665 483 минг сўм этиб бажарилди сметада кўрсатилган харажатлар бўлимидаги маблағлар максимал даражада иқтисод қилиниши натижасида жорий йилнинг ҳисобот чораги якуни бўйича 798 277 минг сўмлик соф фойда олинишига эришилганлигини билдирди.

Жамият раҳбари йилнинг якуний чорагида ҳам ишларни сусайтирмай тасдиқланган смета курсаткичларини амалда бажаришга барча чоралар курилиши ҳамда йил якуни бўйича аввал йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилинишини маълум қилди.

Курилаётган масала бўйича кенгаш аъзолари томонидан берилган саволларга жавоблар олингандан сунг, жамият томонидан қабул қилинган режалар бажарилиши шарти билан ҳисобот қабул қилиниши ҳақидаги қарорга келинди.

Ушбу масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Х.Ж.Олимов сузга чиқиб, жамиятнинг иккинча чорагида олинган даромадлар ва қилинган харажатлари ва 2024 йилнинг учинчи чорак якуни бўйича тайёрланган баланси билан йиғилганларни таништирди.

Баланс нусхаси илова қилинади.

Мажлис кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича «Наврўз деҳқон бозори» АЖ директори О.Машарипов 2025 йил бўйича тайёрланган «Бизнес режа»си билан йиғилганларни таништирди.

(2025 йилга ишлаб чиқилган «Бизнес режа» тўлалигича илова қилинади)

Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» иловага мувофиқ маъқулланди ва жамият директори (О.Машарипов)га «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш кўрсатиладиган хизматлар ҳаққи миқдори ўзгарган тақдирда, мазкур «Бизнес режа»га ҳам ўзгартиришлар киритишини айтишди.

### Кун тартибидаги масала муҳокама этилиб

### Қарор Қилинди.

1. Жамият директори О.Машариповнинг 2024 йил 3 чораги якуни бўйича ҳисоботи қабул қилинган режалар бажарилиши шарти билан қабул қилинсин.

2. Жамиятнинг 2025 йилга режалаштирган «Бизнес режа»си иловага мувофиқ маъқуллансин.

Мажлис раиси:



К.Р. Расулов


Котиб:



Д.Шоназаров.

Мажлистеда катнашган Кенгаш аъзолари:


А.Раззоқов



А.А.Акрамов



Т.С.Иброхимов



Т.Камолов

